# Зардўзли буюмлар жозибаси



Миллий услубда тикилган буюмлар хонага қандай ярашиб туришига ҳеч эътибор берганмисиз? Айтайлик, ипак билан тикилган сўзаналар?

Шак-шубҳасиз, хотин-қизларнинг зар билан тикилган туфлиларини кўриб бир неча бор офарин айтгансиз, уларни маликалар ҳам кийса арзийди.

Халқ ижоди буюмлари бугун ҳам кўп йиллар илгаригидек, кўзни қувонтиради. Улар ҳамиша модада, қалбга қувонч бағишлайди.

Бугун, хотин-қизларнинг байрами арафасида эркакларнинг диққат-эътиборини Бухоро зардўзи буюмлар фабрикасининг, Тошкент ва Андижон бадиий буюмлар фабрикаларининг маҳсулотларига жалб этамиз.

Сизларни Марказий универсал магазиннинг совғалар бўлимига таклиф қиламиз.

Агар сиз совға учун зар билан тикилган баланд пошнали аёллар пойафзалини, чиройли сумкаларини, духоба камарларини танласангиз, бу сизнинг юксак дидингиздан далолат беради. Чеварларга — нина, ип; кўзойнак тақадиган аёлларга — чиройли ғилоф совға қилса бўлади. Агар умр йўлдошингиз квартирани безатишга ишқибоз бўлса, у хонани безатувчи янги жиҳоздан мамнун бўлади. Духоба сўзана, бахмал, тўртбурчак ва узун болиш шаклидаги духобадан тикилган диван ёстиқларидан истаганингизни танлаб олинг. Улар ҳам миллий услубда кашта билан безатилган.

Уччала фабрика хотин-қизлар дўпписини ҳам таклиф қилади. Улар гули, каштасининг усули, ранги билан бир-биридан фарқ қилади, уларнинг айримлари ёш қизларга, айримлари катта ёшдаги аёлларга байрам ва бегим кунларида кийиш учун мўлжаллаган. Айтмоқчи, дўппи Ўзбекистондан эсдалик сифатидаги энг яхши совға. Машҳурлиги жиҳатидан хонатласгина у билан рақобатлаша олади, холос.

Эҳтимол сизга бир нечта совға керакдир? Улардан биттасини сиз албатта упа-эликлар бўлимидан харид қилишингиз мумкин.

Бўлимда Тошкент упа-элик фабрикасининг «Бахт тилайман», «Халқаро хотин-қизлар куни», «Азиз аёлга», «Нотаниш аёл», «Лола» атирлари бор. Агар сиз маҳбубангиз қайси атирни хуш кўришидан бехабар бўлсангиз консультант сотувчилар ўз маслаҳатлари билан ёрдам беришади.

Совғалар термасини бир неча буюмдан ташкил этса ҳам бўлади. Ана шу ниятда бўлсангиз рўмоллар билан савдо қиладиган секцияга марҳамат қилинг. Новдалардан тўқилган вьетнам вазаси, фотосуратлар учун альбомни қўшиб совға қилса бўлади.

Агар сиз яқин кишингиз — опа-сингилларингиз, онажонингиз, келинингиз учун совға танлашга қийналаётган бўлсангиз электр тароқ, электр бигуди, электр тўғноғич харид қилишингиз мумкин. Биллур ваза, конфетдонлар, салат идишларини эса энг яқин аёлга меҳр ва эҳтиром рамзи сифатида тантанали вазиятда топширишингиз мумкин.

**ЦУМ.**

# Совға эмас—эътибор азиз



**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо Бош бошқармаси 10 мартга қадар К. Маркс кўчасининг пиёдалар учун мўлжалланган қисмида «СОВҒА—89» шиори остида**

**БАЙРАМОЛДИ ШАҲАР ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ**

Ярмаркада «Тошкент» савдо фирмаси, «Таштекстильшвейторг», «Чилонзор» Марказий универсал магазини, Фрунзе савдо маркази, ЦУМ, ГУМ, «Шуҳрат» мактаб-магазини, «Ташкульторг», «Ташгалантерейторг», «Ташхозторг» иштирок этадилар. Ушбу рўйхатнинг ўзигина ярмаркада нақадар кўп товарлар бўлишидан далолат беради.

Чиройли безатилган павильонлардан сиз тайёр совға термаларини харид қилишингиз мумкин. Сизнинг илтимосингизга биноан консультант-сотувчилар ўзингиз маъқул кўрган товарлардан совға термаларини ясаб берадилар. Эсдалик буюмлари, сопол буюмлар, биллур буюмлар, атир-упалар, рўмоллар шулар жумласидандир... Ярмаркага марҳамат қилинг.

Совға танлаган бўлсангиз унга қўшимча равишда гул сотиб олишни, чин кўнгилдан эзгу тилакларингизни изҳор этишни унутманг!

Шаҳар савдо ярмаркаси соат 11 дан 17 гача ишлайди.

Шаҳримиздаги барча саноат моллари магазинларида хотин-қизлар учун мўлжалланган товарларнинг байрамолди савдоси авжида эканлигини эслатамиз.

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо Бош бошқармаси.**



***«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ***

***ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ***

## «ОНЕГА» — БИР ХИЛЛИКНИ ЁҚТИРМАЙДИГАН КИШИЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН МЕБЕЛЬ ЙИҒМАСИДИР

**Бу турдаги мебель йиғмаси маҳсулотлари мебель жиҳозларини ранг-баранг вариантларда ўрнатиш имкониятини беради.**

Сиз истаган вақтингизда ҳеч бир қийинчиликсиз хонадаги мебеллар ўрнини дидингизга ўтирган тарзда ўзгартиришингиз мумкин.

Мебель йиғмаси турли шкафлардан ташкил топган: улар китоблар, кўйлаклар, идиш-товоқлар, радиоаппаратуралар учун мўлжалланган алоҳида барга эга; осон ўрнатиладиган ва олинадиган алоҳида секциялари бор. Уларга ҳамма зарур буюмларни бемалол жойлаш мумкин.

Мебель йиғмасини Олмалиқ мебель комбинати тайёрлаб чиқармоқда.

Баҳоси — 1.038 сўм.

МЕБЕЛЬ ЙИҒМАЛАРИНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ МЕБЕЛЬ МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.



**«Ўзбекмебель» территориал ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент лойиҳа-конструкторлик технология бюроси.**

(Телефон 55-22-89).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

**7, 12, 19 МАРТ, СОАТ 19.00 ДА**

## «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари»

**Ёзувчининг ҳаёти фактлари ва асарлари асосида ёзилган драматик ривоят.**

**Муаллиф — Иззат СУЛТОН.**

**Эпилогда А. ОРИПОВнинг «ОЛОМОНГА» шеъридан фойдаланилган.**

**Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Латиф ФАЙЗИЕВ.**

**Саҳналаштирувчи рассом — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Бахтиёр НАЗАРОВ.**

**Костюмлар бўйича рассом — Низомхўжа НУРИДДИНОВ.**

**Композитор — Ўзбекистон ССР халқ артисти Сайфи ЖАЛИЛ.**

**РОЛЛАРНИ ИЖРО ЭТАДИЛАР:**

**СССР халқ артистлари: Сора ЭШОНТЎРАЕВА, Наби РАҲИМОВ, Зикир МУҲАММАДЖОНОВ;**

**Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Толиб КАРИМОВ, Турғун АЗИЗОВ, Саъдихон ТАБИБУЛЛАЕВ, Ширин АЗИЗОВА, Ойдин НОРБОЕВА, Рихси ИБРОҲИМОВА, Эркли МАЛИКБОЕВА, Икрома БОЛТАЕВА, Ёқуб АҲМЕДОВ, Тўлқин ТОЖИЕВ;**

**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Муҳаммадали АБДУҚУНДУЗОВ, Гавҳар ЗОКИРОВА, Теша МЎМИНОВ, Маҳмуд ИСМОИЛОВ, Ҳасанбой ЮНУСОВ, Рихсивой АВАЗОВ, Бахтиёр ҚОСИМОВ;**

**Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари: Саидкомил УМАРОВ, Мурод РАЖАБОВ.**

**Артистлар: Ҳожиакбар КОМИЛОВ, Шоҳида ИСМОИЛОВА, Луиза ҚУЛАБДУЛЛАЕВА, Салоҳиддин ЗИЁМУҲАМЕДОВ, Самиғ ҒАФФОРОВ, Қаҳрамон АБДУРАҲИМОВ, Равшан ЖЎРАЕВ, Абдусамат МАҲМУДОВ, Нодира МАҲМУДОВА, Гулчеҳра ИБРОҲИМБЕКОВА, Маҳфуза БОБОТУЛЛАЕВА, Муқаддас ШОЖАЛИЛОВА, Жамшид ЗОКИРОВ, Сайёра ЮНУСОВА, Шукуржон САФОЕВА.**

**7 ва 12 март кунлари бўладиган спектаклларга билетлар сотилган.**

**Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.**

**Касса соат 12 дан очиқ.**

**Справкалар учун телефонлар: 44-24-47, 44-17-51.**

**Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги**
**М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси**

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

**16 МАРТ СОАТ 19.30 ДА**
**Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист**

ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА

## концерти

**ПРОГРАММАНИ — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист ОТАМУРОД БЕКЖОНОВ олиб боради.**

**Билетлар 14.00 дан бошлаб СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида сотилмоқда.**

**«ЎЗБЕКҚОНЦЕРТ»**

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

**7, 9, 10 МАРТ СОАТ 19.30 ДА**
**8, 11, 12 МАРТ 16 ВА 19.30 ДА**

**«ҲАЗИЛ»**

ҲАЖВИЯ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ

**ҚАТНАШАДИЛАР:**

**Ўзбекистон ССР халқ артистлари:**
МАЛИКА АҲМЕДОВА, ДИЛАФРЎЗ ЖАББОРОВА

**Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:**
РУШАНА СУЛТОНОВА, ЭЛМУРОД ИСЛОМОВ;

**Биринчи Бутуниттифоқ «ЯНГИ ОВОЗЛАР» конкурсининг лауреати**

ЮЛДУЗ УСМОНОВА

МИРЗА ҲОЛМЕДОВ, ТЎХТАМУРОД АЗИЗОВ, ОБИД АСОМОВ, СОБИТ АСОМОВ, БОТИР МУҲАМЕДХЎЖАЕВ;

**Лирик хонанда — АВАЗБЕК МАҲМУДОВ.**

**Постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати АБДУРАШИД РАҲИМОВ.**

**Билетлар соат 14.00 дан сотилади.**

# Байрам дастурхонига— олмали пирог



**Нафис, мазали ва чиройли бундай пирогни торт деса ҳам бўлади. У жуда тез фурсатда ва жўнгина тайёрланади.**

**ҚУЙИДА ЁШ УЙ БЕКАЛАРИГА ОЛМАЛИ ПИРОГ ТАЙЁРЛАШ УСУЛИНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ:**

Кеpакли масаллиқлар: 100 г. маргарин, 3 та тухум, хамири учун ярим стакан шакар, тухум оқига 3/4 стакан шакар, 4—5 та олма, 1,5 стакан ун, 0,5 чой қошиқ сода, уксус.

Маргаринни эритиб, шакар билан қориштирасиз, 3 та тухум сариғини қўшиб, аралаштирасиз, сиркада ўлдирилган содани ва ун қўшиб, хамир қорасиз. Хамирни думалоқ шаклда ёйиб, ёғ суртилган ва ун сепилган қолипда духовка шкафида пиширасиз. Корж тайёр бўлганда духовкадан олиб совутиб қўясиз. Кейин устига озгина шакар сепилган кесилган олма парракларини, унинг устига эса шакар қўшиб кўпиртирилган тухум оқини корж юзасига жойлаштирилади.

Тухум, оқи аввал қуюқ кўпик ҳолигача ийланади, кейинчалик секин-аста 1 ош қошиқдан шакар (яхшиси, қанд упаси) қўшиб борилади. Тухум оқини олма бўлаклари устига яхлит қатлам сифатида ёки конвертчадан сиқиб чиқариб ёки қошиқча билан алоҳида порциялар шаклида (безе пирожнийига ўхшаб) қуйиш мумкин.

Бундай пирог ичига олма ўрнига бошқача қийма, масалан, ёнғоқ, қуюқ мураббо, творог, янги қулупнай, малина ва олча солиб пишириш мумкин.

КУЙБИШЕВ РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИ САВДОСИДА МАРГАРИН ҲАМИША МАВЖУД.

**КУЙБИШЕВ РАЙПИШЧЕТОРГИ**

# Ҳамиша қалбимизнинг тўридасиз...



Хотин-қизларимиз — оналаримиз, умр йўлдошларимиз, келинларимизнинг байрами яқинлашмоқда. Дил сўзларимиз, эзгу тилакларимиз, гулдасталар — шу куни уларга аталади. Албатта, совғаларимиз ҳам. Сиз совғани олдиндан олиб қўйдингизми? Ёки ҳали ҳам нима танлашни билмаяпсизми?

**СИЗЛАРНИ БУ ҲОЛДА «ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ**

Атирлар ҳамиша энг яхши совға бўлиб келган. Анвойи гулларнинг, дориворларнинг муаттар ҳидини берувчи атирлар мавжуд. Истаганингизни танлаб олинг.

Биллур буюмлар кўтаринки, байрам кайфиятини вужудга келтиришини ҳамма яхши билса керак. Азизларингиз учун совға ҳарид қилар экансиз биллур буюмларни ҳам унутманг.

Агар аёл киши квартирани безатишга ишқибоз бўлса манзарали панно ёки ёғочдан ясалган эсдалик совғаларига эътибор беринг.

**Эслатиб ўтамиз, «ЧИЛОНЗОР» Марказий универсал магазини соат 9 дан 20 гача ишлайди, танаффуси йўқ. Дам олиш куни — душанба.**

**«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ.**

***«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ***

***ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ***

**Театр**

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/III да **Концерт**, 9/III да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да **Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари**, 8/III да **Тақдир эшиги** (12.00), **Тақдир эшиги** (19.00), 9/III да **Курорт.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/III да **Рожа,** 8/III да **Байрам концерти,** 9/III да **Паранжи сирлари.**

**Кино**

**6 МАРТДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

**Санъат саройи** — «ҒИРТ ЁЛҒОНЧИ» (16, 18.30, 20.40, катта зал).

**Чайка**— «ШИРИН ХАЁЛЛАР» (16, 18.30, 21.00).

**Ватан** — «ҚОНУНДАГИ ЎҒРИЛАР» (16, 18, 20, 21.30).

**Тошкент Советининг 50 йиллиги** — «ИФ ҚАЛЪАСИНИНГ МАҲБУСИ» (16, 18.30, 21.00).

**Москва** — «ҚОЧОҚЛАР» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

**ВЛКСМ 30 йиллиги** — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (16, 18.15, 20.30).

**Нукус** — «ШАҲРИЗОДАНИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ» (16, 18.30, 20.45, ўзбек тилида).

**Қозоғистон** — «ИШЁҚМАС» (16, 17, 19, 20.00), «ЎНТА НЕГР БОЛАСИ» (17.00, ўзбек тилида).

**К. Ёрматов номли** — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (16, 18.30).

**Лисунов номли** — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (16, 18.30, 21.00).

**Восток** — «ИШЁҚМАС» (16, 18.30, 20.45).

**7 МАРТДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

**Санъат саройи** — «ҒИРТ ЁЛҒОНЧИ» (16, 18.30, 20.40, катта зал);

**Чайка** — «ОДИМ» (11, 13.30); «ШИРИН ХАЁЛЛАР» (18.30, 21.00).

**Ватан** — «ҚОНУНДАГИ ЎҒРИЛАР» (18, 20, 21.30).

**Тошкент Советининг 50 йиллиги** — «ИФ ҚАЛЪАСИНИНГ МАҲБУСИ» (18.30, 21.00).

**Москва** — «ҚОЧОҚЛАР» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

**ВЛКСМ 30 йиллиги** — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (18.15, 20.30).

**Нукус** — «ҚОЧОҚЛАР» (19, 20.45).

**К. Ёрматов номли** — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (16, 18.30).

**Восток** — «ИШЁҚМАС» (16, 18.30, 20.45).

**8 МАРТДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

**Санъат саройи** — «ҒИРТ ЁЛҒОНЧИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40, катта зал).

**Чайка** — «ОДИМ» (11, 13.30); «ШИРИН ХАЁЛЛАР» (16, 18.30, 21.00).

**Ватан** — «ҚОНУНДАГИ ЎҒРИЛАР» (12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

**Тошкент Советининг 50 йиллиги** — «ИФ ҚАЛЪАСИНИНГ МАҲБУСИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

**Москва** — «ҚОЧОҚЛАР» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

**ВЛКСМ 30 йиллиги** — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (11, 13.30, 16, 18.15, 20.30).

**Нукус** — «ҚОЧОҚЛАР» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45).

**Қозоғистон** — «ИШЁҚМАС» (11, 12, 13.30, 14.30, 16, 19, 20.00)

**К. Ёрматов номли** — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (11, 13.30, 16, 18.30).

**Лисунов номли** — «КИНГ-КОНГ ТИРИК» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

**Восток** — «ИШЁҚМАС» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Халқ ижодиёти ва маданий-оқартув ишлари республика илмий методик марказининг «Ғафосат» этнографик-фольклор ансамбли коллективи шу ансамбль созандаси **Нодир Камолович ИНОҒОМОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.



ТОШКЕНТ оқшоми
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; социал проблемалар — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32.54.15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади. Тиражи — 125.000.

Р — 07622. Ички саҳифаларга 17.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). Б—2065. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10